



ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДА ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Асланов Бобур Тухтаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Академияси мустақил изланувчиси.

Язнонов Мухаммад Сарвар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ТҚД ТҚҚХ

ЎМИБ тезкор вакили, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11523246>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024

Accepted: 03th June 2024

Published: 05th June 2024

KEYWORDS

пробация хизматлари,
огоҳлантириш, якаа
тартибдаги профилактика,
рецидивист, ҳуқуқбузарлик
содир этишга мойил,
ҳуқуқбузарлик содир этиш
эҳтимоли юқори бўлган,
ғайриижтимоий хулқ-атвор,
ғайриижтимоий хатти-
ҳаракат, жиноят, хусусият..

ABSTRACT

Мазкур мақолада ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан ишлашнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари очиб берилганлиги, шунингдек ушбу тоифдаги шахслар билан ҳуқуқбузарликларнинг якаа тартибдаги профилактик чора-тадбирларни таъминлаш лозимлиги ҳамда мавзун кенгроқ ёритиб беришда шу соҳада хизмат қилган олимларнинг тадқиқотлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда кенг қамровли тарзда таҳлил қилинган..

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита таъминловчи субъектлар томонидан жиноятчилик салмоғи кўп жойлада айниқса маҳаллаларда ҳамкорликдаги кенг куламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ушбу ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришга мойил бўлган тоифаларни аниқлаш ва улар билан якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларни қўллаш самара бермоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан ишлашда ички ишлар органлари соҳавий хизмат субъектларининг фаолияти ва ваколатлари мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларга ажратиб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

Профилактика (катта) инспекторлари¹: ўзига нисбатан профилактик иши юритилган, маъмурий назоратда ўрнатилган, рўйхат ҳисобида турган; маъмурий назорат қонуни остига тушувчи ва маъмурий назорат қонуни остига тушмайдиган шахсларга нисбатан;

¹ Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон Қонуни. [Мурожаат вақти: 15.04.2024]. //URL: <https://lex.uz/docs/2387357>

*Пробация хизматлари*²: ахлоқ ишлари; муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; озодликни чеклаш; мажбурий жамоат ишлари жазоларини ўтаётган; шартли ҳукм қилинган шахслар тоифаларига нисбатан;

*Йўл-патруль хизмати инспекторлари*³: а) “айдовчиларнинг транспорт воситаларини алкаголли ичимликдан, гиёҳвандлик модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганларга; б) худди шундай ҳаракатлар транспорт бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахслар томонидан содир этганларга; в) алкаголли ичимликдан, гиёҳвандлик модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини топширганлар”⁴га нисбатан;

*Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари*⁵: кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, вокзаллар, аэропорт ва бошқа жамоат жойларида шахсни шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилмайдиганларни, тунги вақтларда порахўрлик ва ваколатни суиистеъмом қилувчиларни, шунингдек безорилар, дайдилар, спиртлик ичимлик истеъмом қилувчи, назорат лецинзия (овчилик жамиятига аъзо бўлган қурол ва ўқ дори сақловчилар) объектларига нисбатан;

г) *Ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларининг рўйхат ҳисобидаги профилактика кузатув остида бўлганлар*: илгари судланганлик муддати тамомланган, профилактик ҳисоб ва маъмурий назорат йиғма жилдларидан ечилган, аммо ўзларида ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарлик содир этишга бўлган мойилликни сақлаб қолган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига (ғайриижтимоий хулқ-авторли, ҳуқуқбузарликка мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган) нисбатан чоратадбирларни таъминлайдилар.

Назаримизда, ИИОлари соҳавий хизмат субъектлари йўналиши бўйича кўриб чиқиляётган ҳуқуқбузарликка мойил шахслар тоифаларини бевосита ёки билвосита “профилактика кузатув”га олиш лозим. Чунки, айрим тоифаларнинг ҳисобларда чиқиб кетиши ёки судланганлик муддатининг тамом бўлиши ҳам уларнинг тузалганлигидан далолат бермайди. Аксинча, уларда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарликка мойиллик сақлананиб қолади деган фикрдамиз.

Хусусан, ИИОлари соҳавий хизмат субъектлари ваколатлари доирасида айрим тоифадаги шахсларни профилактика кузатув олиш хусусиятига доир чоратадбирларни “...илгари судланмаган тоифаларга нисбатан қўллаш лозим эканлигини, шунингдек бу борада жиноят содир қилишга мойил шахслар аниқланиб, уларни ўраб турган яқин муҳитни ўрганиш ва зарурат бўлганда, уларни рўйхатга олиш кераклигини, ҳамда ушбу чора-тадбирлар уларга нисбатан яшаш, ишлаш, ўқиш жойи бўйича ижтимоий назорат сифатида ўтказилиш асносида жиноят содир қилишга

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 84-сон қарори (14.02.2020 й.) [Мурожаат вақти: 15.04.2024]. // URL. <https://lex.uz/docs/4735981>.

³ Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни. [Мурожаат вақти: 09.06.2023]. //URL:// <https://lex.uz/acts/3027843>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекс. [Мурожаат вақти: 09.06.2023]. //URL:// <https://old.lex.uz/m/acts/97664>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2940-сонли Қарори. Мурожаат вақти: 17.04.2024] //URL <https://lex.uz/docs/3202965>

мойил шахсларга нисбатан профилактик таъсир қилиш, асосан, ишонтириш чоралари ёрдамида амалга оширилади”⁶. Бизнингча эса, ИИОлари соҳавий хизмат субъектларининг профилактика кузатувга олишни илгари судланган шахслар ўртасида ҳам ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ушбу тоифалар суд томонидан жазо қўлланилганлигига қарамасдан такрор жиноят содир этишга мойил бўлиб, улар асосан “рецидивист”⁷ шахсларга хос хусусиятларни ўзида шакллантирган бўлади.

Тадқиқотларда таъкидлангидек, ички ишлар органлари соҳавий хизмат субъектларининг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятидаги ижобий томонлари: “*биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини кафолатлайди; *иккинчидан*, субъектлар зиммасига аниқ вазифалар юклашга ёрдам беради; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъектларининг маъно-мазмунини очиб беришга хизмат қилади”⁸.

Бу борада, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан таъсирчан ишлаш юзасидан Қ.А. Саитқулов⁹ профилактик чора-тадбирлар тизимини умумий ёки махсус бўлишига урғу берган бўлса, Р.А. Зуфаров¹⁰ айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар, хусусан, порахўрликнинг олдини олиш учун умумпрофилактик тадбирлар ўтказилиши кераклигига, Х.Э. Ахмедов¹¹ эса, яқка тартибдаги профилактикада мақбул чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишига эътиборини қаратишган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга нисбатан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини давомли тарзда олиб бориш ҳамда индивидуал тарбиявий-психологик таъсир чораси сифатида “ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини таъминлаш асосий мақсад бўлиб, унда, –ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий ҳулқ-атвори, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолиятidir”¹², – деб аниқ профилактика чора-тадбир сифатида белгилаб қўйилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ИИОлари соҳавий хизмат субъектларининг асосий вазифалари бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан “ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа

⁶ Каракетова Д.Ю. Безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2021. – Б. 144.

⁷ (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. 2023. (34-моддаси). Рецидивист – жиноят ҳуқуқида суд ҳукми билан ҳукм қилингандан кейин, жазони ўтаб бўлганидан сўнг ва судланганлик муддати суд ҳукми билан олиб ташланмай туриб, қайтадан жиноятга қўл урган шахс).

⁸ Эшназаров М.Ж. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш. Юрид. фан. докт. (PhD). ... дисс. автореф. -Тошкент, 2022. - 13 б.

⁹ Саитқулов Қ.А. ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2020. – Б. 23 (156).

¹⁰ Зуфаров Р.А. Порахўрликка қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: назария ва амалиёт: Юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. – Т., 2005. — Б. 37. (46)

¹¹ Ахмедов Х.Э. Профилактика инспекторининг маъмурий назорат ўрнатилган шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш фаолиятининг ташкилий асослари // URL: <http://uza.uz/upload/iblock/1ec/KN.E.AKHMEDOV.-YURIDIK.pdf> (05.10.2022 й.да мурожаат қилинган).

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (2014) ЎРҚ-371-сон Қонуни. [Мурожаат вақти: 22.09.2023].URL: <https://lex.uz/docs/2387357>

турдаги ёрдам кўрсатиш ҳамда ушбу жараёнда уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдириш кўзда тутилади”¹³.

Айрим олимларнинг фикрича, жиноятлар профилактикаси учун кўп қиррали функциялар: муҳофаза қилувчи, тартибга солувчи, тарбияловчи ва ҳ.к хос эканлигини, шунингдек уларнинг барчаси ўзаро боғлиқдир¹⁴. Мазкур ҳолатда улардан ҳар бири ўзининг ролини бажаради ва ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахсларни назорат қилиш ҳамда уларни жиноят содир этишдан тийилиб туришларида ҳам муҳим роль ўйнайди. Ушбу муҳофаза қилувчи ва тарбияловчи функциялар, айниқса, жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикасига хос бўлиб, унда жиноят содир қилишга мойил шахслар билан индивидуал ишлашга йўналтирилади.

Шунингдек “жиноятларни индивидуал профилактика қилишнинг энг муҳим муаммоси бу индивидуал ишлаш зарур бўлган шахслар доирасини аниқлаш ҳисобланади”¹⁵. Шу хусусида Д.Ю. Каракетованинг фикрича, ўз моҳиятига кўра, жиноятларнинг индивидуал профилактикаси ишонтириш (тарбия) ва мажбурлаш (жазо) чора (усул)ларининг мажмуи эканлигини, шунингдек кўриб чиқиладиган профилактика турининг мақсади – жиноятни тўхтатиш, олдини олиш ва йўл қўймаслик, шахсларнинг қилмишни содир қилиш ниятини аниқлаш ва пировардида, шахснинг жиноий йўлга кириш аҳдидан воз кечишига эришиш, жиноятга мойил шахсларни аниқлашнинг мақсади эса, мазкур шахсларга салбий таъсир қилувчи манбаларни аниқлаш ҳисобланади¹⁶, – деган фикрига қўшилиш мумкин.

Назаримизда, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг якка тартибда таъминлашни “умумий кўринишда” ҳам амалга оширса бўлади. Масалан, профилактика инспекторлари якка турдаги профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда, бир хонадонда яшовчи икки ёки ундан ҳўжаликдан иборат жанжалкаш ёки низоли оилаларни умумий суҳбат ўтказиш орқали қамраб олиш мумкин.

Шу каби ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ўзига хос хусусиятлари борасида С.Б.Хўжақулов, профилактика усулларининг қуйидаги таснифини ишлаб чиққан. Жумладан: 1) огоҳлантириш (*расмий, норасмий*); 2) ишонтириш; 3) рағбатлантириш (*моддий, маънавий, аралаш*); 4) мажбурлаш (*интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий мажбурлаш чораларини қўллаш*)¹⁷.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги таснифланган профилактика чора-тадбирлар мамлакатнинг барча аҳолисига нисбатан йўналтирилади¹⁸, бироқ жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, эътибор айнан аниқ жиноий қилмишларга қаратилади. Айрим олимлар умумий профилактикада жиноятчиларга нисбатан

¹³ Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Юрид. Фан. докт. (DSc) ... Дисс. - Т., 2019. - Б. 56.

¹⁴ Аванесов Г.А. Криминология. – М., 1984. – С.462.

¹⁵ Закалюк А.П. Личность, подлежащая индивидуальной профилактики // Советское государство и право, 1984, №2. – С.84. Қаранг: Кудрявцев В.Н. Правовое поведение: норма и патология. – М., 1982. – С.227.

¹⁶ Каракетова Д.Ю. Безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2021. – Б. 143.

¹⁷ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018, – Б. 66 (156).

¹⁸ Игошев К.Е., Устинов В.С. Введение в курс профилактики правонарушений. – Горький. 1977. – С.40.

қонунга итоаткор одамлар билан кўпроқ ишланади,¹⁹ деб ҳисоблашади. Масалан, яқин-яқингача криминологик адабиётларда²⁰ умумий ижтимоий профилактика тушунчаси кенг қўлланилиб келинган. Криминологлар ижтимоий профилактикани кенг тушунча деб билиб, бу борада ахлоқий (ахлоқсиз хулқ-атворга йўл қўймаслик) умумҳуқуқий профилактика (кенг маънода ҳуқуқбузарликларни олдини олиш) тўғрисида фикр юритса ҳам бўлади²¹.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан индивидуал тартибда ишлаш ва умумижтимоий олдини олишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у салбий ҳодисалар, жумладан ҳуқуқбузарликнинг профилактикасига қаратилмайди, фақат унга кўмаклашади, холос. Натижада, ҳуқуқбузарликка мойил шахсларнинг салбий хулқ-атворида нисбатан етарлича профилактика чора-тадбирлари таъминланса ҳам уларга ўз таъсирини ўтказмайди.

Шунинг учун ҳам “ички ишлар органлари ходимлари томонидан тазйиқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳлантириш бериши ваколатига эга”²² эканлиги, профилактика инспекторлари томонидан профилактика ҳисобда бўлган тоифаларга нисбатан яқка туртибдаги чора-тадбирларини қўллашнинг таъсирчанлигини таъминлайди. Ушбу профилактика чора-тадбирларининг натижадорлигини таъминлаш борасида, М.Ж. Эшназаров, “ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан юритилаётган профилактик ҳисоб ишининг (варағи, йиғма жилд) электрон шакли ҳамда “Профилактик ҳисобга олинган шахсларни ахборот тизими”²³ни жорий этиш ҳақидаги таклифига тўлиқ қўшилиш мумкин.

Хулоса ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан юритган профилактика ҳисоб ишларини электрон ахборот тизимини жорий этиш: *биринчидан*, қўшимча маълумотларни киритиб боришни осонлаштиради; *иккинчидан*, соҳавий хизмат субъектлари билан ҳамкорликда ахборотларни алмашишни тезлаштиради; *учинчидан*, шахсларни ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан тийилиши ва назоратда бўлишига ижобий томонлама хизмат қилади. Кўриб турганимиздек, профилактика инспектори маҳалла ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади ҳамда ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди ва жамоат хавфсизлиги²⁴ни жойлардаги маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда таъминлайди.

¹⁹ Матюнин А.Ф. Криминологический анализ и предупреждение хулиганства. Дисс. на соис.уч.степ.к.ю.н.-Москва.2020 й. – С.162.

²⁰ Хасмамедов Э.А. Уголовно-правовые и социальные меры предупреждения рецидивной преступности: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 1993.

²¹ Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. М., 1980; Игошев К.Е. Социальный контроль и профилактика преступлений. Горький, 1976.

²² Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-561-сонли “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2019) Қонуни.(8-модда) (Мурожаат вақти 14.03.2024).URL:https://lex.uz/docs/4494709

²³ Эшназаров М.Ж. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация Автореф-ти. Ўз. Рес. ИИБ Академияси.Тошкент-2022. Б-24

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони. [Мурожаат вақти: 13.04.2024]. //URL: https://lex.uz/docs/ 5749291.